Сизларнинг энг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, бошқаларга ўргатганингиздир», дедилар

Усмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг энг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, бошқаларга ўргатганингиздир», дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда мусулмонларнинг энг яхшиси ва Аллоҳнинг наздида даражаси энг улуғи: Қуръоннинг тиловатини, фиқҳини, тафсирини ёдлаб, ўрганиб бошқаларга ўзи ўрганган нарсаларни ўргатиб амал қилган киши эканини хабар бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5913